

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВ САНЖАР ХУСЕНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ЭКССУДАТИВ ЎРТА ОТИТНИ КОМПЛЕКС  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Саидов Санжар Хусенович**

Болаларда экссудатив ўрта отитни комплекс ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш ..... 3

**Саидов Санжар Хусенович**

Совершенствование комплексной диагностики и лечения экссудативного среднего отита у детей ..... 21

**Saidov Sanjar Husenovich**

Perfection of complex diagnostics and treatment of exudative otitis media in children..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САИДОВ САНЖАР ХУСЕНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ЭКССУДАТИВ ЎРТА ОТИТНИ КОМПЛЕКС  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib24 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsd.uz](http://www.tsd.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Амонов Шавкат Эргашевич,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Кузовков Владислав Евгеньевич**  
тиббиёт фанлари доктори (Россия)

**Арифов Сайфиддин Саидазимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Вильнюс университетининг медицина факультети (Литва)**

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: [tdsi2016@mail.ru](mailto:tdsi2016@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э. Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.А. Абдукаюмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2017 йилда дунё аҳолисининг 5 фоизи – 360 миллион киши, шундан 32 миллион бола эшитиш қобилиятининг пасайиши ва кейинчалик йўқолиши туфайли ногирон бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>. Эшитиш қобилиятини йўқотиш глобал муаммо бўлиб, ҳар йили 750 миллиард доллар сарфлашни талаб қилмоқда, қолаверса, эшитиш қобилияти бузилган болаларнинг 60%ида даволаш мумкин бўлган сабаблар орқали юзага келгани исботланган. Экссудатив ўрта отитнинг ўз вақтида ташхисланмаслиги ва адекват даво чораларини қўлланилмаслиги кўпинча турғун эшитишнинг заифлашувига олиб келади. Ҳатто енгил даражадаги эшитиш заифлиги ҳам нутқ шаклланишининг бузилишига, бола ақлий ривожланишининг секинлашувига сабаб бўлади.

Жаҳон тиббиётида болалардаги экссудатив ўрта отитни комплекс ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болаларда экссудатив ўрта отитни бурун, бурун-ҳалқум эндоскопияси ва отоэндоскопияси ёрдамида ташхислаш, ноғора бўшлиғи ажралмаларининг иммунологик кўрсаткичлари, қон зардобдаги А, М, G иммуноглобулинларнинг миқдори ва хасталикнинг сурункали шакли асоратларида антрум шиллиқ қаватидаги морфологик ўзгаришларини асослаш зарурати мавжуд. Болаларда экссудатив ўрта отитни консерватив ва хирургик даволаш, касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этувчи замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли аҳолининг тиббий маданияти ошмоқда, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва асоратларини камайтиришга эришилди, хасталикни сифатли даволаш билан бирга профилактикасига ҳам алоҳида эътибор берилди бошлади. Ушбу йўналишдаги ишларнинг узвий давоми сифатида болалардаги экссудатив ўрта отитнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тўғри ва эрта ташхислаш орқали самарали даволаш орқали ногиронликни камайтириш ёки бартараф этиш зарур. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш» белгилаб берилган<sup>2</sup>. Бу борада болалардаги экссудатив ўрта отит касаллигини комплекс ташхислаш ҳамда инновацион технологияларни қўллаб хирургик даволаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардандир.

<sup>1</sup> Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ахборот бюллетени, 2017 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тиббиётида экссудатив ўрта отитнинг ташхиси ва даволанишига оид қатор ишлар қилинган. Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб муаллифлар экссудатив ўрта отитнинг ривожланиши эшитув найининг дисфункцияси туфайли келиб чиқади деб ҳисоблайдилар (Славинский А.А., 2001; Дворянчиков В.В., 2005; Сапожников Я.М. ва ҳаммуал., 2006). Бошқа тадқиқотчилар ташхислашда транстубар эндоскопия ва отоэндоскопия, бурун ва бурун-ҳалқумни эндоскопик текшириш усулларини қўллайдилар (Крюков А.И., Туровский А.Б., Шубин М.Н., 2002; Kluq C., Fabinyi V., Tschabitscher M., Ogawa K.). Экссудатив ўрта отитнинг ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишдаги мавжуд муваффақиятларга қарамасдан, ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар кўп. Хусусан, кечикиб ташхислаш билан боғлиқ ҳолатлар, эшитиш аъзоси касалликларининг асоратлари ривожланиши ва бунинг натижасида ўрта қулоқнинг ўз вазифасини бажара олмаслиги кабилар. Кўринадики, болаларда учровчи эшитиш заифлиги нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо бўлиб, у нутқ шаклланишининг бузилиши ҳисобига ижтимоий дезаптацияга олиб келади.

Ўзбекистонда ҳам экссудатив ўрта отитнинг айрим жиҳатлари муаллифлар томонидан ўрганилган. М.Б. Тўхтаевнинг (2010)тадқиқотлари шуни кўрсатадики, экссудатив ўрта отитда тимпанометриянинг сезувчанлиги етарли даражада юқори бўлиб, 92%ни, махсуслиги эса ўртача 60%ни ташкил этади.

Экссудатив ўрта отитни даволаш комплекс олиб борилиши зарур бўлиб, бир неча босқичларни қамраб олади. Биринчиси – ушбу касаликни келтириб чиқарувчи сабабларни йўқотишдир. Мазкур босқич ўз таркибига бурун, бурун-ҳалқум ва бурун ёндош бўшлиқларини санация қилиш, тимпанопункция ёрдамида ёки эшитув найини катетеризация қилиш билан ноғора бўшлиғига дори воситасини юборишни олади. Дренажлашнинг мавжуд бўлган усуллари доим ҳам ўрта қулоқ бўшлиқларида экссудат такрор ҳосил бўлишининг олдини ололмади ва қатор ҳолатларда касаллик қайталаниши кузатилади. Бу асосан аттикоантрал соҳадаги яллиғланиш жараёнларининг суст кечиши билан боғлиқ бўлиб, ноғора бўшлиғидаги дренаж найчасининг вентилияцион ва дренаж функциясини етишмаслиги

оқибатида юз беради. Бунга адитус ёки тимпанал диафрагма йўлининг беркилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча ўрта кулоқ бўшлиғини дренажлаш давомийлиги (2-3 ой) бўйича етарли бўлмади ва антромастоидал бўшлиқнинг ёмон вентилияцияси натижасида ретракцион холестеатома, адгезив отит асоратлари келиб чиқади. Сурункали экссудатив ўрта отитга чалинган беморларни бундай даволаш у қадар самарадор эмас, чунки у касалликнинг тез-тез қайталанишига сабаб бўлиб, бир неча бор қайта дренажлаш заруратини юзага келтиради.

Шундай қилиб, болалардаги экссудатив ўрта отитнинг ташхисланиши ва даволанишидаги ҳал этилмаган муаммолар отитрия соҳаси олдидаги муҳим илмий ва клиник вазифа ҳисобланади. Мазкур татқиқот иши экссудатив ўрта отит касаллигининг келиб чиқишининг олдини олиш ва комплекс даволашга қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Кулоқ, томоқ ва бурун касалликларини ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг самарадорлигини оширишнинг замонавий йўллари излаб топиш» (2011-2017 йй.) илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ташхислаш, консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари такомиллаштириш асосида болалардаги экссудатив ўрта отитни комплекс даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалардаги экссудатив ўрта отитни бурун, бурун-ҳалқум эндоскопияси ва отоэндоскопия ёрдамида ташхислаш имкониятларини баҳолаш;

бурун ва бурун-ҳалқум хасталиклари заминиде кечадиган болалардаги экссудатив ўрта отитни ташхислаш ва клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

болалардаги экссудатив ўрта отитда ноғора бўшлиғи ажралмаларида микробиологик ва иммунологик кўрсаткичларни (ноғора бўшлиғининг ажралмалари ва қон зардобидеги А, М, G иммуноглобулинларни) аниқлаш;

болалардаги сурункали экссудатив ўрта отитнинг асоратларида антрум шиллиқ қаватининг морфологик ўзгаришлари хусусиятларини асослаш;

комплекс ташхислаш асосида болалардаги экссудатив ўрта отитнинг консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган экссудатив ўрта отит ташхиси билан текширувдан ўтган ва даволанган 176 нафар бемор танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қон зардобиде, ноғора ва бурун бўшлиғи ажралмалари, болалардаги сурункали экссудатив ўрта отит касаллиги асоратларида антрум шиллиқ қаватидан олинган кесмалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга оширишда бурун ва бурун-ҳалқум соҳасининг эндоскопияси, отоэндоскопия, отомикроскопия, аудиометрия, тимпанометрия, моно-тимпанометрия,

мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), бурун хилпилловчи эпителийсининг транспорт функциясини текшириш, иммунологик, микробиологик, морфологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экссудатив ўрта отит касаллигини эрта босқичларда нур ва эндоскопик ташхислашнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилган;

болалардаги экссудатив ўрта отитда бурун ва бурун-халқум патологиясини эрта жарроҳлик йўли билан бартараф қилиш зарурати асосланган;

экссудатив ўрта отитнинг сурункали шаклида нафақат ноғора бўшлиғи, ўрта қулоқ барча бўшлиқлари шиллиқ қаватида ҳам морфологик ўзгаришлар бўлиши исботланган;

экссудатив ўрта отитнинг сурункали шаклида антро-аттикотомия билан антрумни жуфт дренажлашнинг аъзони сақлаб қолувчи самарадор жарроҳлик амалиёти эканлиги исботланган;

болалардаги турғун эшитиш заифлигининг ривожланиш профилактикасида экссудатив ўрта отитни босқичли ва комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар натижасида болаларда экссудатив ўрта отитни босқичма-босқич даволаш усули ишлаб чиқилган;

сурункали экссудатив ўрта отитни антро-аттикотомия билан антрумни жуфт дренажлаш орқали даволаш ретротимпанал бўшлиқларни дренажлаш имконини берган;

ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинган мослама, ноғора парда жароҳатланишининг олдини олган ва ноғора бўшлиғи ажралмаларини ўрганишга ёрдам берган;

экссудатив ўрта отитда қўлланган ретроград отооксигенотерапия ўрта қулоқнинг барча бўшлиқларида аэрацияни тиклаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, бурун-халқум соҳасининг эндоскопия, отоэндоскопия, отомикроскопия, аудиометрия, тимпанометрия, моно-тимпанометрия, мультиспирал компьютер томографияси, микробиологик, иммунологик, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, болалардаги экссудатив ўрта отит касаллигини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда халқаро ва маҳаллий тажрибалар таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЭЎОни келтириб чиқарувчи сабабларни ташхислаш бўйича олинган маълумотлар тўплами республикада кейинчалик касалликни тадқиқ қилишда асос вазифасини бажариши, даволаш жараёнидаги кузатувлардан олинган маълумотлар экссудатив ўрта

отитни ўрганиш спектрини мужассамлаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЭЎОни даволашда қўлланадиган усул, эшитув найининг дисфункциясини бартараф этишга қаратилган консерватив ва жарроҳлик амалиёти, ноғора бўшлиғини шунтлаш, антроаттикотомия билан антрумни жуфт дренажлаш даволаш самарадорлигини ошириши ва даволаш муддатини камайтириши, қайталаниш ва эҳтимолли турғун эшитиш заифлигини олдини олиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда экссудатив ўрта отитни комплекс ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Экссудатив ўрта отит билан хасталанган беморларни олиб бориш тактикаси» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 апрелдаги 8н-р/84-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма экссудатив ўрта отит касаллигини даволаш ва олдини олишнинг тизимли тартибини шакллантириш имконини берган;

«Экссудатив ўрта отитда ноғора бўшлиғидан суюқликни эвакуация қилиш ва йиғиш мосламаси» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (№ FAP 00910). Мазкур усул беморларнинг экссудатив ўрта отитда ноғора бўшлиғидаги суюқликларни эвакуация қилиш ва йиғиш мосламаси орқали экссудатив ўрта отит касаллигини даволаш ва эшитиш пастлигининг олдини олиш имконини берган;

Экссудатив ўрта отитни ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий санитария қисмининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 апрелдаги 8н-д/83-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши экссудатив ўрта отит касаллигининг ривожланишини олдини олишда ринологик босқичда 79,5% га, отохирургик босқичда жарроҳлик амалиётидан кейин 99,4% га яхшиланишини таъминлаган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда экссудатив ўрта отитнинг этиопатогенези, ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда болаларда экссудатив ўрта отитнинг этиологияси, патогенези, ташхислаш ва даволашнинг замонавий маълумотлари келтирилган адабиётлар таҳлил қилинган. Таҳлиллардан кўринадики, айрим патогенетик жиҳатлар танқидий баҳоланган, эрта ташхислаш ҳамда даволаш тизимини ўрганиш зарурлиги, касаллик профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатиб берилган, эришилган натижалар ҳамда ечимини кутаётган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Болаларда экссудатив ўрта отитни ташхислаш ва даволаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда клиник текширишларнинг умумқабул қилинган усуллари, жумладан беморнинг шикоятлар таҳлили ва касаллик анамнези, соматик текширишлар, ЛОР шифокори кўриги (отоскопия, риноскопия: олдинги, орқа, орофарингоскопия) ёритилган. Шунингдек, бурун ва бурун-ҳалқумнинг эндоскопияси, эшитув найининг ҳалқум тешиги эндоскопияси, отоэндоскопия, отомикроскопия, бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографияси, зарурият бўлганда мультиспирал компьютер томографияси ўтказилди. Эшитишни текшириш ўз таркибига тонал бўсаға аудиметрияси, динамик импедансометрия усулларини олади (тимпанометрия, моно-тимпанометрияни акустик рефлексининг қайд қилиниши). Моно-тимпанометрия икки хил «Williams» ва «Toynbee» тестлари ёрдамида ўтказилди, уларнинг натижасига кўра бутун ва унга мос ҳолдаги ноғора парда перфорациясини (ноғора бўшлиғи шунтлангандан сўнг), эшитув найининг ўтказувчанлиги аниқланди.

Бизнинг кузатувларимизга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган экссудатив ўрта отит билан оғриган 176 нафар бола қамраб олинган. Улар Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ЛОР-бўлими, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт маркази ЛОР-аъзоларининг туғма ва орттирилган касалликлари бўлими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий санитария қисмининг 2-сон клиник шифохонаси ЛОР-бўлимида 2011 йилдан 2016 йилгача бўлган муддатда текширилган ва даволанган. Улардан: икки томонлама жараён 105 нафар болада аниқланган (59,7%), бир томонлама жараён – 71 тасида (40,3%). Шундай қилиб, тадқиқотда иштирок этган хаста кулоқларнинг умумий сони – 281 тани, тадқиқотда жалб қилинганлардан ўғил

болалар -110 та ( 62,5%), қизларда – 66 та (37,5%). Иштирок этганлардан 115 (65,3%) нафар болада касалликнинг ўткир шакли, 61 (34,7%) тасида эса экссудатив ўрта отитнинг сурункали шакли аниқланди.

Диссертациянинг «**Экссудатив ўрта отит билан хасталанган болаларда касалликнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида экссудатив ўрта отитга текширилувчи бемор болаларнинг клиник, аудиологик, эндоскопик, микроскопик, нурли, микробиологик, иммунологик ва морфологик текшириш натижалари келтирилган.

Шуни таъкидлаш зарурки, экссудатив ўрта отитнинг ҳар икки шаклида ҳам беморларда бўладиган ва энг кўп учрайдиган шикоятлар бу - бурундан нафас олишнинг қийинлашиши ва бурундан турли ажралмаларнинг ажралишидир. Сурункали экссудатив ўрта отит билан оғриган катта ёшли болалар ёки уларнинг ота-оналари 100% ҳолатда эшитиш пасайишига шикоят қилган бўлсалар, ўткир экссудатив отитларда бу кўрсаткич 41,7%дан ошмади, бу эса уларни шифокорга кеч мурожаат қилишининг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Беморлар қулоғида оғриқ бўлиш ҳолатининг жуда паст кўрсаткичи (7,6%) ҳам уларни шифокорга кеч мурожаат қилишига асосий сабаб бўлган.

Тимпанометрик текшириш усули шуни кўрсатдики, экссудатив ўрта отитнинг ўткир турида В шаклидаги тимпанограмма (75,7% беморларда) қайд қилинган бўлса, сурункали кечишида 11,5% ҳолатда D шаклидаги тимпанограмма қайд қилинди, бу экссудатив ўрта отитнинг сурункали кечишида ноғора бўшлиғида морфологик ўзгаришлар ривожланиш имкониятини билвосита тасдиқлайди.

Тонал бўсаға аудиометрияси шуни кўрсатдики, аудиометрик эгрилик 82 (46,6%) ҳолатда юқорига кўтарилувчи характерда, 64 (36,4%) ҳолатда эса – горизонтал йўналишли бўлиши кузатилди. Ҳар икки ҳолатда ҳам чиғаноқнинг эшитиш захираси деб номланувчи суяк-ҳаво ёриғи мавжуд бўлади. 30 та ҳолатда (17,0%) аудиограмма пастга тушувчи характерга эга бўлиб, чиғаноқ захирасига эга бўлмасдан ва эшитиш пастлиги аралаш типда бўлди. Улардан 19 нафар беморда (63,3%) ноғора бўшлиғидаги суюқлик чиқариб ташлангандан сўнг товуш қабул қилишнинг суяк бўсағаси тикланди. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат шу билан тушунтириладики, экссудат лабиринт дарчаларини тўсиб қўйиши натижасида «скаляр» эшитиш заифлиги юзага келади, ўрта қулоқдан суюқлик чиқариб ташлангач эса, эшитиш қобилияти тезда тикланади. Барча беморларда отоскопия, отомикроскопия, отоэндоскопия ва монотимпанометрия натижалари бўйича эшитув найининг вентилиацион фаолиятидаги бузилишлар таҳлил қилинди ва текширишлар ўтказилди. 1-жадвалда текширишдан ўтган болалардаги эшитиш найининг ўтказувчанлигининг бузилиш даражалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

ЭЎО билан хасталанган болаларда эшитув найининг ўтказувчанлигини бузилиш даражаси

Бузилиш даражаси	ЎЭЎО (n=115)		СЭЎО (n=61)		P	Жами (n=176)	
	абс.	%	абс.	%		абс.	%
Меъёр	3	2,6	2	3,3	>0,05	5	2,8
I-II даражаси	42	36,5	14	23,0	>0,05	56	31,8
III даражаси	62	53,9	34	55,7	>0,05	96	54,6
IV даражаси	8	7,0	11	18,0	<0,05	19	10,8
V даражаси	0	0	0	0		0	0
Жами:	115	65,3	61	34,7	<0,001	176	100,0

1-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 97,2% ҳолатда эшитув найининг ўтказувчанлиги бузилишининг маълум даражалари қайд қилинган бўлса, фақат 2,8% ҳолатда мазкур функциянинг сақланганлиги маълум бўлди. Касалликнинг клиник шаклидан қатъий назар 96та беморда (54,6%) эшитув найининг ўтказувчанлигининг учинчи даражаси аниқланган бўлса, 56 нафар бемор болаларда (31,8%) – биринчи ва иккинчи даражали бузилишлар аниқланди, бу ҳолат ЭЎО бемор болаларда эшитув найининг ҳалқум тешиги механик беркилганлигини тасдиқлайди.

58 нафар бемор (32,9%) болаларда ўтказилган бурун, бурун-ҳалқум эндоскопик таҳлили– уларда вазомотор ёки аллергия ринитни, 38 нафар беморда (65,5%)- мазкур ҳолат бурун тўсиғининг турли деформациялари билан бирга келиши кузатилди, 73 (41,5%) беморларда иккинчи ва учинчи даражали аденоид вегетацияси аниқланди, улардан: 32 нафар беморда (43,8%) аденоидлар вегетацияси, танглай муртақларининг иккинчи, учинчи даражали гипертрофияси, 24 нафар беморда (32,9%)- эшитув найи болишларининг гипертрофияси, 17 нафар беморда ( 23,3%) илгари ўтказилган жарроҳлик амалиёти (аденотомия, реаденотомия) билан боғлиқ бўлган бурун-ҳалқумдаги чандикли ўзгаришлар кузатилади. 45 нафар (25,6%) бемор болаларда бурун-ҳалқум орқа деворидан оқиб келувчи йирингли чизик (синуситнинг кўриниши) ва эшитув найининг ҳалқум тешигида ҳам худди шундай йирингли чизик аниқланди. Бурун - ҳалқумни эндоскопик текшириш эшитув найининг ҳалқум тешиги ўтказувчанлигининг бузилиши ёки беркилганлиги 135та беморда (76,7%) аниқланди. Ушбу далил яна бир бор ЭЎОни асосан эшитув найи дисфункцияси замида ривожланишини тасдиқлайди. Биз томонимиздан яна шу нарса аниқландики, ЭЎОли 12 нафар бемор (6,8%)да эшитув найи ҳалқум тешигининг очиқ турганлиги маълум ахамиятга эгаллиги кузатилди.

Чакка суягини МСКТ усулида текшириш, унинг структур ўзгаришлари тўғрисида объектив маълумот берувчи усул ҳисобланади. Мазкур текшириш ноғора бўшлиғидаги ўзгаришлар характерини батафсил ўрганиш имконини беради. Натижада аттико-антрал соҳани қисман ёки тўлиқ блоки мавжудлигини аниқлаш мумкин, шунингдек ушбу текшириш усулини

қўллаб, сўрғичсимон ўсимтадаги ўзгаришларни ҳам аниқлаш мумкин. Биз олган маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ЭЎО бўлган болаларда сўрғичсимон ўсимтанинг МСКТ нурланиш хусусиятлари

Сўрғичсимон ўсимтанинг пневматизация даражаси	ЎЭЎ		СЭЎ		Назорат	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Пневматик тузилиши	11	15,1***	0	0	38	76,0
Кампневматик тузилиши	48	65,8***	33	54,1***	8	16,0
Диплоэтик тузилиши	12	16,4	19	31,1**	4	8,0
Склеротик тузилиши	2	2,7	9	14,8**	0	0
Жами:	73	100,0	61	100,0	50	100,0

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан нисбий маълумотлар ишончли (\*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001).

2-жадвалдаги маълумотларни таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, сўрғичсимон ўсимтанинг пневматизация даражаси билан ЭЎОнинг клиник шакллари ўртасида тўғри алоқа мавжуд. Бизнинг олиб борган тадқиқотлар шуни тасдиқладики, сўрғичсимон ўсимтаси кам пневматик тузилишга эга бўлган болаларда ЭЎО кўпроқ келиб чиқади.

Ўтказилган таҳлиллар экссудатив ўрта отитда гуморал иммунитетдаги чуқур ўзгаришларни кўрсатди. Касалликни комплекс консерватив даволашда иммуностимулятор иммунал дори воситаси қўлланилди. Дори воситаси суюқлик ва таблетка кўринишида бўлиб, 4 ёшгача бўлган болаларга 1 миллилитрдан 3 маҳал, 4-6 ёшдаги болаларга кунига бир маҳал, битта таблеткадан, 6-12 ёшли болалар учун эса кунига битта таблеткадан 2 маҳал буюрилди. 12 ёшдан катта болаларга кунига 3 маҳал битта таблеткадан буюрилди. Даволаниш давомийлиги 4-8 ҳафтани ташкил этди. Даволаш курси тугагандан сўнг қон зардоби ва бурун бўшлиғи ажралмалари таркибидаги А, М, G иммуноглобулинларининг миқдорий даражаси ўрганилди. Тадқиқот натижалари 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

ЭЎО билан касалланган болаларнинг иммунотерапия ўтказилгандан кейин қондаги иммунологик кўрсаткичлари

Имуноглобулинлар синфи	Ig даражаси (M±m), г/л		
	Соғлом	ЭЎО беморлари	
		Анъанавий даво тизими	иммуноотерапия
A	2,28±0,30	1,36±0,21*	2,03±0,02^^
M	1,58±0,18	1,0±0,15*	1,45±0,11^
G	14,10±0,75	11,15±0,61**	14,08±0,72^^

Изоҳ: \* - соғлом болалар гуруҳи натижалари ишончли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001), ^ - иммун даво ва анъанавий даво гуруҳида натижалар ишончли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01).

ЭЎО билан хасталанган болаларда иммунотерапия ўтказилгандан кейин  
бурун ажралмаларидаги иммуноглобулинлар даражаси

Имуноглобулинлар синфи	Ig даражаси М±m (мг/л)		
	ЭЎО беморлар		
	Соғлом	Анъанавий даво тизими	иммунотерапия
sA	531,1±76,1	312,7±51,2*	512,9±57,1^^
A	561,9±69,1	189,5±35,4***	559,7±75,2^^^
G	86,2±2,9	186,2±47,5	88,3±1,5

Изоҳ: \* - соғлом болалар натижалари ишончли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001), ^ - иммун даво ва анъанавий даво гуруҳи натижалар ишончли (^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001).


Юқоридаги жадвалларни маълумотларидан кўришиб турибдики, экссудатив ўрта отитда ўтказилган иммунокоррекцияловчи терапиядан сўнг қон зардобидеги ва бурун бўшлиғидаги экссудат таркибида иммуноглобулинларнинг даража кўрсаткичи меъерий кўрсаткичларга яқинлашди.

Шунингдек, биз томонимиздан ноғора бўшлиғи экссудати таркибидаги IgE даражаси тадқиқот қилинди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бирорта ҳам беморнинг ноғора бўшлиғи экссудати таркибида IgE аниқланмади.


Беморларда ўтказилган антро-аттикотомия жарроҳлик амалиёти вақтида улардан олинган биопсия материаллари текширилганда, улардаги морфологик кўриниш турлича эканлиги аниқланди.

Жарроҳлик амалиёти ўтказилган 11 нафар бемордан (55%) антрум бўшлиғидан шиллик-суяк усти қопламаси олинди ва уларда фиброз ҳамда грануляцион тўқима мавжудлиги аниқланди. (1- расм).

Қон томирлар орасидаги турли даражадаги яллиғланиш хужайралари аниқланди (2-расм), улар орасида эса сезиларли даражада кўп микдорда плазматик хужайралар, шунингдек ёт таначали гигант хужайралар ҳам аниқланди.



1-расм. Мононуклеар инфилтратли кўп қон томирларга эга гранулали тўқималар  
Гематоксиллин ва эозин бўёқли.  
катталиги ×100.



2-расм. Кенг тарқалган яллиғланган  
инфилтратлар ва ўсмали қон томирлари.  
Гематоксинли ва эозин билан бўялган.  
катталиги ×100.

Инфильтрат хужайралар миқдорини ҳисобланганда қуйидагилар аниқланди: унда лейкоцитлар миқдори  $1,81 \pm 0,005$ , лимфоцитлар  $-2,79 \pm 0,011$ , плазмоцитлар  $-4,712 \pm 0,094$ , бунда плазмоцитлар миқдори лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдоридан статистик ишончли равишда сезиларли даражада юқори миқдорда бўлди ( $P < 0,001$ ).


5 нафар беморда (25,0%) унча сезиларли бўлмаган, думалок хужайрали инфилтрацияли, кўп қаватли эпителийли кистасимон ҳосила аниқланди. Ушбу ҳосиланинг алоҳида бўлақларида хужайраларнинг дағаллашиш хусусияти сақланиб қолади, бунинг натижасида эса кистоз бўшлиқнинг ён томонлари шохли тангачалар билан тўлиши аниқланди. (3-расм). Кистасимон ҳосилалар ғадир-будир тўлқинли бириктирувчи тўқима билан бирга аниқланди ва унинг таркибида яллиғланиш хужайралар инфилтрациясининг турли даражаси аниқланди.

Яллиғланиш инфилтрат хужайраларини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг таркибида  $1,99 \pm 0,007$  лейкоцитлар,  $3,36 \pm 0,014$  лимфоцитлар ва  $5,11 \pm 0,094$  плазмоцитлар бир майдон бирлигида аниқланди. Худди олдинги гуруҳдагидек, бу ерда ҳам плазмоцитлар миқдори сезиларли даражада юқори бўлди.

4 та биоптатларда (20%) полипсимон ҳосилалар аниқланди, улар текис ва цилиндрсимон эпителий билан қопланган бўлиб, мазкур эпителийларда моноклеар ва стромасида яқка ҳолда безсимон структуралар яллиғланиш инфилтрациясида яққол намоён бўлади (4-расм).



3-расм. Кистасимон ўсимта, ясси эпителий билан қопланган.  
Гематоксилин ва эозин билан бўялган.  
Катталиқ ўлчами  $\times 100$



4-расм. Цилиндрик ҳилпилловчи эпителий билан қопланган, яллиғланган инфилтратли тўқималар.  
Гематоксилин ва эозин билан бўялган.  
Катталиқ ўлчами  $\times 100$

Яллиғланиш инфилтрат хужайралари орасида плазматик хужайралар энг кўп миқдорда аниқланади.

Бир майдон бирлигидаги хужайралар миқдорини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, лейкоцитлар сони  $1,77 \pm 0,006$ ни, лимфоцитлар  $2,35 \pm 0,005$ ни, плазмоцитлар  $3,24 \pm 0,017$ ни ташкил этди, бунда плазмоцитлар миқдори лейкоцитлар ва лимфоцитлардан сезиларли даражада юқори бўлишини кўрсатди.

Шуни қайд этиш зарурки, олинган тўқималарнинг барча морфологик вариантларидан плазмоцитлар миқдори кўп бўлиши иммун компонентнинг

яллиғланиш реакцияси мавжудлигидан далолат беради. Ушбу нуқтаи назарни кўллаб-қувватлаш ва жараёнларнинг сурункали бўлишини кайд этилиши лимфоцитлар миқдори билан ҳам тушунтирилади.

Касалликда ўткир давр жараёнлари давом этишидан лейкоцитларнинг етарли миқдорда мавжудлиги далолат беради. Кўрсаткичлар миқдори тўғрисидаги олинган маълумотларни ўзаро солиштириш барча морфологик вариантларда яллиғланиш реакциялари фақат бир томонлама хусусиятга эгаллигини кўрсатди. Полиплар ҳосил бўлишида, киста мавжуд бўлганда ва гранулематоз тўқима ривожланганда ҳам яллиғланиш инфилтрати ўз таркибида асосан лейкоцитларни, лимфоцитларни, плазмоцитларни сақлаши маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Болалардаги экссудатив ўрта отитда босқичли комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида экссудатив ўрта отитни босқичли комплекс даволаш ва даво усуллари кийим баҳолаш натижалари келтирилган. Ўтказилган даволаш усулларига боғлиқ ҳолда ЭЎО билан оғриган бемор болалар 3 гуруҳга бўлинди:

Биринчи гуруҳга - 91 (51,7%) нафар бемор киритилган бўлиб, улар консерватив ва жарроҳлик усули билан даволашнинг ринологик босқичидан ўтган.

Иккинчи гуруҳда 85 (48,3%) нафар бемор бўлган, уларга юқорида қўлланилган усуллар билан биргаликда тимпанопункция ёки ноғора бўшлиғини шунтлаш усуллари қўлланилди.

Учинчи гуруҳга - 36 (20,5%) нафар бемор экссудатив ўрта отитнинг сурункали шакли билан киритилган, уларда ижобий эшитиш динамикаси кузатилмаган. Чакка суякларини МСКТ текшириш асосида 28 (15,9%) ҳолда антро-аттикотомия антрумни жуфт дренажлаш билан жарроҳлик амалиёти ўтказилди, 8 (4,5%) нафар беморда эса, узоқ муддатга вентилицион найча қўйиш билан тимпанотомия амалиёти бажарилди.

Барча беморларда комплекс консерватив терапия курси қўлланилди. Олиб борилган даволашнинг асосий мақсади эшитув найи дисфункциясига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлди. Этиологик омилларга боғлиқ ҳолда даволаш курси ўз таркибига: элиминацион чора тадбирларни, антибактериал (ўсган флора сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда), вирусларга қарши, яллиғланишга қарши, муколитик, иммуномодуляр ва гипосенсибилизация терапия усуллари жамлаб олди. Маҳаллий усулда бурунга деконгестантлар ва кортикостероидлар қўлланилди. Физиотерапевтик муолажалардан: антибиотиклар ва гидрокартизон билан ингалиция, сўрғичсимон ўсимта соҳасига лидаза билан электрофарез, бурун ёндош бўшлиғи ва бурун соҳасига магнит-лазерли терапия, Политцер усули бўйича эшитув найини пуфлаш, катта ёшли болаларга эса ноғора пардага ўзи пуфлаши ёки пневмомассаж усуллари қўлланилди.

Биз томонимиздан таклиф этилган даволаш усуллари таққослаш мақсадида барча беморлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга - 91 (51,7%) нафар бемор киритилган бўлиб, улар консерватив даво олганлар ва

зарурат бўлганда эшитув найи дисфункциясини йўқотишга йўналтирилган жарроҳлик амалиёти ўтказилганлардир. Улардан 62 (68,1%) беморга ўткир, 29 (31,8%) нафар беморга эса – сурункали экссудатив ўрта отит ташхиси қўйилди. Эшитув найи дисфункциясини йўқотиш мақсадида бизлар томонимиздан дастлаб консерватив даволаш курси ўтказилди. (антибиотикларни, вирусларга ва яллиғланишга қарши дори воситаларини, антигистамин дори воситаларини, секретолитиклар ва деконгестантларни қўллаш, Проец усули бўйича дори воситаларини йўналтириш ёки юқори жағ бўшлиқларига антибиотиклар ва кортикостероидларни пункция қилиш усули билан юбориш) ва жарроҳлик амалиётлари ўтказилди (аденотомия, аденотонзиллотомия, пастки бурун чиғаноқларини дезинтеграцияси, эшитув найи болишларидаги чандикларни кесиш, септопластика).

Иккинчи гуруҳга 85 нафар (48,3%) бемор бола киритилган бўлиб, уларга юқорида келтирилган даво муолажалари билан бир вақтнинг ўзида ноғора бўшлиғини шунтлаш амалиёти ўтказилди. Улардан 53 (62,4%) беморга ўткир, 32 (37,6%) нафарига эса – сурункали экссудатив ўрта отит ташхиси қўйилди. Шунт ноғора парданинг орқа-пастки квадрантига ўрнатилиб, ўртача тўрт ҳафтадан саккиз ҳафтагача қўйилди.

Ўтказилган даво муолажаларидан кейин иккала гуруҳдаги беморлар тўртинчи ва саккизинчи ҳафтада қайта кўрикдан ўтказилди. Олинган маълумотлар натижалари 5 жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Экссудатив ўрта отитли беморларни комплекс босқичма-босқич даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили

Гуруҳлар	Беморларнинг клиник-аудиологик кузатувининг ижобий натижалари (беморлар сони)				Ижобий натижа олинмаган (беморлар сони)	
	2 ҳафтадан кейин		4 ҳафтадан кейин		8 ҳафтадан кейин	
I (n=91)	48	52,7	26	28,6***	17	18,7***
II (n=85)	42	49,4	24	28,2**	19	22,4***
жами (n=176)	90	51,1	50	28,4***	36	20,5***

Изоҳ: \* - 2-ҳафтадан кейин кўрсаткичларнинг ишончилиги (\*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001).

5 - жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, босқичли даволашдан сўнг, ҳар икки гуруҳда клинко-аудиологик кўрсаткич маълумотлари ўзаро ишончли фарқ қилмади. Эшитув найи дисфункциясини йўқотиш мақсадида ўтказилган чора тадбир ва ноғора бўшлиғини шунтлаш натижалари ҳам ишончли фарққа эга бўлмади. Демак, бундан кўринадики, 8 ҳафта давомида олиб борилган клинко-аудиологик назорат ноғора бўшлиғини шунтлаш жарроҳлик амалиёти ўткир экссудатив ўрта отитнинг кечиши, даво натижаларининг яхшиланишини ҳамisha ҳам келтириб чиқармаслиги маълум бўлди.

2 ҳафта давомида эшитув найи дисфункциясини йўқотишга қаратилган консерватив даволаш ва жарроҳлик амалиётини ҳамда ноғора бўшлиғини

шунтлаш жарроҳлик амалиётини ўтказиш натижасида 90 нафар беморда (51,1%) ижобий клинко-аудиологик самара кузатилди. Натижада, бу ҳолат эндо ва микроотоскопия, моно-тимпанометрия маълумотларини меъёрлашишига олиб келди, эшитишнинг яхшилаши ва «А» шаклдаги тимпанограмма қайд қилинди. 4 ҳафтадан кейин эса 50 (28,4%) нафар беморда ижобий клинко-аудиологик кўрсаткичлар қайд қилинди.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, эшитув найи функциясини тиклашга қаратилган ва ўз вақтида қўлланилган жарроҳлик амалиёти ноғора бўшлиғини шунтлаш заруриятини кескин камайтиради.

Консерватив ва жарроҳлик терапиясининг комплекс курси (ринохирургия ва ноғора бўшлиғини шунтлаш) ўтказилгандан сўнг 140 нафар беморда (79,5%) ижобий эшитиш динамикаси қайд қилинди, бунинг натижасида эса эндо ва микроотоскопия, моно-тимпанометрия маълумотларини меъёрлашиши, аудиометрик текширишларда эшитишнинг яхшиланишини қайд этилиши, «А» шаклдаги тимпанограммада -113 (64,2%) нафар беморларда, «С» шаклдаги 27 (15,3%) нафар беморда қайд қилинди.

Бироқ, 36 (20,5%) нафар экссудатив ўрта отитнинг сурункали шакли билан оғриган беморларда (8 ҳафта) давомли кузатув даврида ижобий клинко-аудиологик динамика кузатилмади. Шу сабабли сурункали экссудатив ўрта отит ташхиси билан 28 нафар беморда (15,9%) антро-аттикотомия антрумни жуфт дренажлаш билан жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

8 та ҳолатда (4,5%) ноғора бўшлиғини ревизияси билан бирга тимпанотомия ўтказилди ва ретракцион чўнтакни кесиш ҳамда вентилицион найчани жойлаштириш амалиёти бажарилди. Вентилицион найчани ноғора бўшлиғида бўлиш муддати ўртача 3-6 ойни ташкил этди.

6-жадвал

#### Антро-аттикотомиядан кейин импедансометриянинг натижалари

Вақти (ой)	Тимпанограмманинг турлари					
	А		С		В	
	Беморлар сони (n=28)					
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1	9	32,1	11	39,3	8	28,6
2	13	46,4	11	39,3	4	14,3**^
4	16	57,1	6	21,4**	2	7,1***
6	22	78,6	4	14,3***	2	7,1***

Изох: \* - А турдаги тимпанограммада нисбий нисбатларни ишончилиги (\*\* -  $P<0,01$ , \*\*\* -  $P<0,001$ ), ^ - А турдаги тимпанограммада нисбий нисбатларни ишончилиги (^ -  $P<0,05$ ).

Антро-аттикотомия антрумни жуфт дренажлаш билан жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда назорат импедансометрияси ўтказилди, бунинг натижасида олинган маълумотлар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвалдан кўриниб турибдики, «А» тимпанограммасини қайд қилиш жарроҳлик амалиётидан бир ой ўтгач 32,1%ни, икки ой ўтгач – 46,4%, тўрт ой ўтгач – 57,1%, олти ойдан сўнг 78,6%ни ташкил этди.

7-жадвал

Антро-аттикотомиядан кейин эшитув найи ўтказувчанлигининг тикланиш даражаси

Вақт (ой)	Эшитиш найининг ўтказувчанлиги бузилиши даражаси							
	Меъёр		I-II даражаси		III даражаси		IV даражаси	
	Беморлар сони (n=36)							
	абс	%	абс	%	абс	%	Абс	%
1	0	0	5	13,9*	14	38,9***	17	47,2***
2	7	19,4	14	38,9	9	25,0	6	16,7
4	18	50,0	11	30,6	6	16,7**	1	2,7***
6	27	75,0	7	19,4***	2	5,6***	0	0

Изох: \* - меъёрга нисбатан мутлоқ маълумотлар ишончли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001).

Шунингдек, тадқиқотимизда шунтлаш, тимпанотомия ва антро-аттикотомиядан кейинги даврда эшитиш найининг ўтказувчанлиги ўрганилди. Ўтказилган жарроҳлик аралашувидан сўнг эшитиш найи ўтказувчанлигининг тикланиш ҳолати 7-жадвалда келтирилган.

Кўрсаткич маълумотларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: жарроҳлик амалиётидан кейинги дастлабки ойларда эшитув найи ўтказувчанлигини меъёрлашиши аниқланмади, бироқ 6 ойдан сўнг 75% беморларда ушбу кўрсаткич тикланди.

Бундан кўринадик, экссудатив ўрта отитнинг сурункали шаклларида эшитув найининг ўтказувчанлиги антро-аттикотомиядан 4 ой ўтгач меъёрлаша бошлади.

8- жадвал

Антро-аттикотомиядан кейин аудиометриянинг натижалари

Вақти (ойларда)	Эшитиш пасайиши даражаси									
	N (0-25)		I (26-40)		II (41-55)		III (56-70)		IV (71-90)	
	Беморлар сони (n=36)									
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1	1	2,8	4	11,1	11	30,6	19	52,8	1	2,8
2	3	8,3	14	38,9	8	22,2	10	27,8	1	2,8
4	8	22,2	14	38,9	7	19,4	7	19,4	0	0
6	13	36,1	15	41,7	5	13,9	3	8,3	0	0

Эшитиш фаолиятининг тикланишини ўрганиш учун антро-аттикотомиядан сўнг динамикада аудиометрия ўтказилди, бунинг натижалари эса 8- жадвалда келтирилди. Эшитишни тадқиқ қилиш бу кўрсаткичларнинг меъёрлашиши бир ойдан сўнг - 2,8%га, 6 ойдан сўнг - 36,1%га етиши маълум бўлди.

Бир йил давомида 34та (94,4%) беморда олиб борилган катамнестик кузатишлар натижасида касалликнинг қайталаниши қайд қилинмади.

2 нафар болада интраоперацион холестеатома мавжудлиги аниқланди ва уларда санацияловчи жарроҳлик амалиёти бажарилди. Иккинчи босқичда эса ўрта қулоқда реконструктив жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

## ХУЛОСА

«Болаларда экссудатив ўрта отитни комплекс ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Болалардаги экссудатив ўрта отитни эндоскопик, микроскопик, нур усулларини қўллаб комплекс ташхислаш уни эрта аниқлаш ва даволаш тактикасини танлаш имконини беради. Мазкур усуллар асосида экссудатив ўрта отитнинг ўткир шаклида 29,0%, сурункали шаклида 57,0% ҳолатларда ретракцион чўнтакни мавжудлиги аниқланди.

2. Болалардаги экссудатив ўрта отитни ривожланишига асосий сабаб синуситлар (48,9%) заминида келиб чиқувчи эшитув найи фаолиятининг бузилиши ҳисобланади.

3. Экссудатив ўрта отитда ноғора бўшлиғи ажралмасида патоген флора ўсиши кузатилмайди, қон зардобиди А, М, G иммуноглобулинларининг миқдори пасаяди, бурун ажралмаларида эса IgG кўрсаткичи 2,5 марта ошади. Комплекс даволашда иммуностимулятор иммунал дорисини қўллаш гуморал иммунитет кўрсаткичларини меъёрлашишига олиб келади.

4. Экссудатив ўрта отитда антрум шиллиқ қаватида морфологик ўзгаришлар (грануляция, фиброз, кистоз, полипоз) аниқланди. Мазкур ҳолат касалликни сурункали шаклда кечишига сабаб бўлади.

5. Экссудатив ўрта отитда бурун ва бурун-ҳалқумнинг қўшалок хасталикларида жарроҳлик амалиётини эрта қўллаш 79,5% беморларда клиник-аудиологик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади.

6. Болалардаги сурункали экссудатив ўрта отитда антро-аттикотомия билан антрумни жуфт дренажлаш жарроҳлик амалиёти ва ретроград отооксигенотерапияни қўллаш ўрта қулоқ бўшлиқларининг меъёрий аэрациясини тикланишига олиб келади, катамнестик кузатишлар натижасида 94,4% беморда касалликнинг қайталаниши кузатилмади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САИДОВ САНЖАР ХУСЕНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОМПЛЕКСНОЙ ДИАГНОСТИКИ И  
ЛЕЧЕНИЯ ЭКССУДАТИВНОГО СРЕДНЕГО ОТИТА У ДЕТЕЙ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Tib24.**

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Амонов Шавкат Эргашевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кузовков Владислав Евгеньевич**  
доктор медицинских наук (Россия)

**Арифов Сайфиддин Саидазимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Медицинский факультет Вильнюсского университета**  
(Литва)

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. (Адрес: 100047, Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел./факс: (99871) 230-20-65; e-mail: [tdsi2016@mail.ru](mailto:tdsi2016@mail.ru)).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_) Адрес: 100047, Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел./факс: (99871) 230-20-65.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Ж.А. Ризаев**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук

**Л.Э. Хасанова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**А.А. Абдукаюмов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным информационного бюллетеня Всемирной организации здравоохранения<sup>1</sup> (ВОЗ), в 2017 году 360 миллионов человек, что составляет более 5% населения земного шара, из них 32 миллиона детей, стали инвалидами в результате снижения и дальнейшей потери слуха. Являясь глобальной, проблема потери слуха ежегодно обходится в 750 миллиардов долларов. Доказано, что в 60% случаев потеря слуха у детей вызвана причинами, которые можно предотвратить. К развитию стойкой тугоухости нередко приводят несвоевременная диагностика и отсутствие адекватного лечения экссудативного среднего отита (ЭСО). Развившаяся тугоухость, даже легкой степени, может стать причиной нарушения формирования речи и задержки интеллектуального развития ребенка.

В мире проводятся исследования, направленные на совершенствование комплексной диагностики и повышение эффективности лечения экссудативного среднего отита у детей. Для диагностики ЭСО у детей используют эндоскопию носа, носоглотки и отоэндоскопию, проводят иммунологические исследования выделений носовой полости, определяют уровень иммуноглобулинов А, М и G в сыворотке крови и морфологические изменения в слизистой полости антрума при последствиях хронической формы заболевания. Большое значение имеет создание механизма профилактических мероприятий, разработка различных методов консервативного и хирургического лечения, направленного на предупреждение возникновения экссудативного среднего отита у детей, современных методов, позволяющих уменьшить либо устранить последствия заболевания.

В связи с проводимыми в нашей стране реформами, повышается медицинская культура населения, достигнуты успехи в раннем выявлении, правильной диагностике заболеваний и уменьшении их последствий. Вместе с качественным лечением заболевания особое внимание уделяется его профилактике. В качестве непрерывного продолжения работ в данном направлении необходимо снизить или устранить инвалидность путем определения причин возникновения экссудативного среднего отита у детей и эффективного лечения заболевания. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечено: «дальнейшая реализация комплексных мер по ... расширению доступа матерей и детей к качественным медицинским услугам, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи»<sup>2</sup>. Важной задачей является разработка метода комплексной диагностики и хирургического лечения экссудативного среднего отита у детей с применением инновационных технологий.

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует

---

<sup>1</sup> Информационный бюллетень ВОЗ, февраль 2017 г.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** За последние годы в мировой медицине был выполнен ряд работ, посвященных диагностике и лечению экссудативного среднего отита. Анализ литературных источников показал, что большинство авторов считают, что экссудативный средний отит развивается на фоне дисфункции слуховой трубы (Славинский А.А., 2001; Дворянчиков В.В., 2005; Сапожников Я.М. и др., 2006). Большую роль в диагностике экссудативного среднего отита играют методы трансбуарной эндоскопии и отоэндоскопии, эндоскопии носа и носоглотки (Крюков А.И., Туровский А.Б., Шубин М.Н., 2002; Kluq C., Fabinyi B., Tschabitscher M., 2001; Ogawa K. et al., 2004). Однако, несмотря на успехи в диагностике, лечении и профилактике экссудативных средних отитов, многие аспекты этой проблемы нуждаются в дальнейшем исследовании. В частности, в результате запоздалой диагностики заболевания со стороны органа слуха возможно развитие последствий, которые могут привести к потере функции среднего уха. Следовательно, тугоухость, особенно у детей, проблема не только медицинская, но и социальная, так как тугоухость приводит к социальной дезадаптации личности за счет нарушения формирования речи.

